

## 07.00.00 – TARIX FANLARI

### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

*Рахимбаева Дилором Вахидовна,  
ISFT институти Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси. Тарих  
фанлари номзоди*

*Аннотация. Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маънавий ва маданий ҳаётнинг ривожланиши ва ушбу жараёндаги ижобий ўзгаришлар хусусида фикрлар келтирилган.*

КИРИШ. Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этишнинг амалдаги босқичида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурини амалда тўла татбиқ этиш ва айти шундай ёндашув билан фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жа — мият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда фаол интирик этиш учун имконият яратиш муҳим аҳамиятга эга. Истиқлол туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши ва та — фактури, ҳуқуқий онги ва маданияти тубдан ўзгарди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди Зеро, биз демократия неъматларининг истеъмолчиси бўлиш билангина чекланиб қолмасдан, балки ана шу неъматларни яратувчи фаол шахслар бўлишимиз эарурати — бугунги давр, ислоҳотларимиз янги босқичининг муҳим шартларидандир. Жамиятда юз бераётган ўзгаришларга бефарқлик муносаба — тидан воэ кечилмоқда, манфаатдорлик ҳисси қарор топмоқда. Демократик кўникмалар фуқароларимиз ҳаёт тарзига тобора чуқур сингиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамиятининг асослари, ижтимоий — сиёсий муҳити ва кайфияти шаклланимоқда. Ватандошларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иш — тирок этиши эса, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократ — лаштириш, эркинлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жум — ладан, меҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш Тарзига, жа — миятимиз ҳаётигагина хос миллий демократия мактабидир Мустақиллик йилларида маҳаллалар, фуқаролар йиғинларининг нафақат обрў—этибори, айти чоғда ваколатлари ва масъулият — лари кулами ҳам изчил ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, фуқаролик жамиятини шакллантириш аввало ижтимоий — иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини ка — майтириш ва бу ваэифаларни босқичма — босқич жамоатташки — лотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўткази боришни кўзда тутди.

Истиқлол даври тарихи ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тезкорлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг мураккаблиги, дунё тақдирга дахлдор бўлган муаммолар, серқирра ҳаётнинг барча жаҳаларини қамраб олган умумий қарашлар, энг кичик, ўта муҳим бўлган барча ҳодисаларни ўзида жамаган. Манбашуносликка оид бажарилган тадқиқотлар, ёзма манбалар, таржималарнинг чоп этилиши мазкур даврни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади. Мустақиллик азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида мужассам этган. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гултожи сифатида ҳамиша озодлик ва ҳурриятга иртилиб яшайди. У ҳамиша ҳар жиҳатдан ўзини эркин ҳис қилишга, таҳликасиз турмуш кечиришга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам кишилиқ тарихи турли даврларда Ер шарининг барча минтақаларида озодлик учун курашни, шаклан турлича, моҳиятан ўхшаш бўлган ҳурриятга интилиш ҳодисаларини кўп кўрган.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.** Ўзбекистоннинг давлат

мустақиллигига эришиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотларнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир тадбирлар, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминлаш омиллари, маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши каби масалалар мустақиллик давридаги муҳим тарихий воқеалардир. Уларни ўрганиш ва мушоҳада қилиш кишиларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёшларни тарихий анъаналарга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда кўмаклашади. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши, 1991 йил 31 август Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масаланинг Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари VI сессиясида муҳокама қилиниши, сессияда қабул қилинган Баёнотда Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти. 1991 йил 29 декабрдаги референдум ва умумхалқ томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг маъқулланиши ўрганилиши лозим бўлган дастлабки манбалар ҳисобланади. Умумхалқ сайловида Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши мустақиллик даврида демократик тамойиллар асосида ўтказилган сайловларнинг дастлабкисидир.

**НАТИЖАЛАР** Ислохотлар сиёсатида маънавий мезонлар ҳал қилувчи омил сифатида собиқдавлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг барҳам топиши, давлат ҳокимиятининг миллий, ҳуқуқий, демократик асосларининг барпо этилиши, Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларининг шаклланиши, кўппартиявийлик тизимига асос солиниши, дастлабки асосий партияларнинг шаклланиши каби воқеалар эса истиқлол даври манбаларини янада бойитади. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон парламенти Олий Мажлиснинг кўппартиявийлик асосида шаклланиши, Олий Мажлиснинг тузилиши, вазифалари ва фаолияти, икки палатали парламент тузиш тўғрисидаги Ўзбекистонда ўтказилган референдум, давлат ҳокимияти тизимида Президентлик бошқарувининг жорий этилиши, Вазирлар Маҳкамаси, унинг ижро этувчи ҳокимиятнинг муҳим бўғини сифатидаги ўрнига оид ҳужжатлар ҳам мустақиллик даври манбалари нечоғлик кўп ва таҳлил қилишга муҳтож эканлигини кўрамыз. Ўзбекистон мустақиллигига оид расмий ҳужжатлар деганда собиқ шўро даври ҳокимияти тизими сўнгги қарорларини ҳам тушуниш лозим. Чунки мустақиллик собиқ иттифокнинг барҳам топиши билан юзага келди. Бу давр ҳужжатлари бир қисми собиқ иттифок тизимида қабул қилинган. Яна бир гуруҳ расмий ҳужжатлар мустақил Ўзбекистон раҳбарият органлари томонидан қабул қилинган «Мустақиллик декларацияси», «Ўзбекистон конституцияси» ва бошқа қонунлар, Президент фармонлари, вазирлар маҳкамаси қарорлари ва бошқалардир. Айрим тармоқ ҳужжатлари ҳам юртимиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон мустақил бўлгач, тараққиётнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг доклад ва нутқларида, монографик асарларида акс этган. И.Каримов «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» номли рисолисида, - «Ўзбек миллати азалдан ўз фикри зикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган». Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат, юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини кунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз,-деганда халқимизнинг узоқ тарихи у ўз ўтмишида озодлик, истиқлол учун тинимсиз кураш олиб борганини таъкидлайди. И.А.Каримов асарларида кўп асрлик тарихимиздаги энг йирик тарихий шахслар Имом ал-Бухорий, Ахмад ал-Фарғоний, Ахмад Яссавий, Жалолиддин Мангу Берди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимизнинг жаҳон

маданиятига қўшган хиссаси, ҳамда мустақил республикамиз тараққиётининг устувор йўналишлари ўз аксини топган. Бундан ташқари Президент давлат раҳбари сифатида республикамизнинг халқаро миқёсида олиб бораётган сиёсатини аниқлаган. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон республикаси президенти асарлари халқимиз тарихини ўрганишда методологик қўлланма сифатида, замонавий жараёнларни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Энг муҳим асарлари инглиз, француз, испан, немис, хинд, хитой, араб каби ўнлаб турли хорижий тилларга таржима қилиниб, чет элларда бир неча бор нашр қилинган. МУҲОКАМА Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожланиши, интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши, маданият ва санъатнинг ривожланиши, спорт равнақи, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви каби ижтимоий-сиёсий воқеаликларга оид расмий ҳужжатлар ҳам ўрганилаётган даврни тадқиқ этишда муҳим манба саналади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари орасида тутган ўрни, Тинчликсевар мустақил ташқи сиёсат асосларининг ишлаб чиқилиши, унинг тамойиллари, давлат мустақиллигининг жаҳондаги нуфузли давлатлар томонидан тан олинishi, Ўзбекистон Республикасининг БМТ, ЕХХТга аъзо бўлиши ва улар билан кўп томонлама ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнини ўрганишда муҳимдир.

ХУЛОСА Ўзбекистон ихтисослашган иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ташкилотлар билан алоқалари ва бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдори эканлиги, хорижий мамлакатлар, шунингдек, МДХ давлатлари, Марказий Осиёдаги қардош мамлакатлар билан кўп томонлама ва икки томонлама алоқаларига оид расмий ҳужжатлар ташқи сиёсат принслари аниқлаб беради. Шунингдек, расмий ҳужжатлар халқаро терроризмга қарши, халқаро майдонда турли сиёсий кучларнинг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида амалга ошираётган, узокни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларига, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ниқоби остида индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатишдан иборат маънавий таҳдидларга қарши курашда Ўзбекистонда олиб борилган маънавий ислохотлар жараёнини ёритишда муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 46.